

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВ КОЗИМЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ**

**МОМИҚНИ ТАШУВЧИ ВА ТОЗАЛОВЧИ ВИНТЛИ КОНВЕЙЕР  
КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

Ихтисослик: 05.02.03- Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва  
робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Юлдашев Козимжон Комилжонович**

Момиқни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейер конструкциясини  
такомиллаштириш ва параметрларини асослаш ..... 5

**Юлдашев Козимжон Комилжонович**

Совершенствование конструкции и обоснование параметров  
винтового конвейера для транспортировки и очистки  
линта..... 21

**Yuldashev Kozimjon**

Improvement of the design and justification of the parameters of the screw  
conveyor for transportation of cleaning lines..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВ КОЗИМЖОН КОМИЛЖОНОВИЧ**

**МОМИҚНИ ТАШУВЧИ ВА ТОЗАЛОВЧИ ВИНТЛИ КОНВЕЙЕР  
КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

Ихтисослик: 05.02.03-Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва  
робототехника тизимлари.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1434 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Джураев Анвар Джураевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мақсудов Равшанжон Ҳасанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Эргашев Жамолиддин Саматович**  
техника фанлари доктори, доцент.

**Етакчи ташкилот:** **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил 23-октябрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (387-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2020 йил 20-октябрь куни тарқатилди. (2020 йил 20-октябрь 25-рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
**Р. Муродов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

*[Signature]*  
**О. Саримсаков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, профессор

*[Signature]*  
**Қ. Холиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё пахта машинасозлигининг асосий муаммоларидан бири юқори сифатли, ишончли, замонавий, иқтисодий самарадорлиги катта бўлган машина ва механизмларни лойиҳалаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланди. Дунёда пахта толасига ва момиғига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормокда. Халқаро консультатив кўмита (ICAC) маълумотларига қараганда «2018/19 йил мавсумда пахтанинг нархи мавсум охирига қадар ўртача бир фунт учун 84,63 центдан юқори даражада сақланиб қолди». Дунё бўйича пахта майдони 32,4 миллион гектарни ташкил этади, тола ишлаб чиқариш эса 25,68 миллион тоннани ташкил этади, шу билан бирга жаҳон миқёсида пахта толасини истеъмоли 26,7 миллион тоннагача кўтарилиши кутилмоқда. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида машинасозликка қўйилган талаб, юқори сифатли, ишончли, рақобатбардош машина ва жиҳозларнинг янги конструкцияларини лойиҳалаш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, сифатли пахта толасини ва момиқни олиш муҳим ҳисобланади.

Дунё миқёсида кимё саноати учун пахта момиғи асосий хомашёлардан бири ҳисобланади. Чунки, энг сифатли қоғоз маҳсулотлари айнан пахта момиғидан олинган целлюлозадан ишлаб чиқарилади. Тозалиги юқори бўлган пахта момиғи деярли 100 фоиз целлюлозага айланади. Шунинг учун, пахта саноатида фан ва техниканинг ривожланиши пахта момиғини максимал даражада тозалаб берувчи янги машина ва механизмларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунга кўра, пахта момиғини ифлосликлардан тозалаш технологиясининг мослашувчан автоматлаштирилган тизимини яратиш, тозалаш технологиясининг янги усуллари ва йўналишларини ишлаб чиқиш, юқори иш унумли, ресурстежамкор технология ва ускуналарни ишлаб чиқиш, тебраниш ва шовқинни камайтирувчи узатмаларни яратиш, момиқни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейерларнинг янги конструкциясини ишлаб чиқиш соҳадаги муҳим масалалар қаторига чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди. Бу вазифа ижросини таъминлашда, хусусан, пахта момиғини ишлаб чиқариш, уни тозалаш, ташиш ва ўраб-жойлаш жараёнлари учун ихчам, энергия ва ресурстежамкор технологиялар ва ускуналарни яратиш, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда, пахта момиғини тозалаш жараёнини такомиллаштириш, тозалашнинг ресурстежамкор усул ва воситаларини ишлаб чиқиш асосида момиқ сифати ва самарадорлигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи соҳанинг долзарб масалалари даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4408-сонли «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12-январдаги 24-сонли «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ҳамда шу соҳага дахлдор бўлган бир қатор бошқа ҳуқуқий актларда кўрсатилган мақсадларни тадбиқ этишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахтани қайта ишлаш технологияси ва техникаси, жумладан момиқни тозалаш ва ташиш машиналари ва жараёнларини такомиллаштириш, иш унумини ошириш, сифатли пахта момиғини олиш бўйича чет эл олимларидан E.Whitney, S.Z.Hall, T.Elliot, S.E.Xughs, R.N.Rakoff, A.V.Stalney, R.G.Hardin, P.A.Funk ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Мамлакатимизнинг таниқли олимларидан Қ.Ж.Жуманиёзов, А.Султонов, И.В.Морин, И.А.Анакин, Е.М.Гутьяр, Г.И.Мирошниченко, Х.Т.Ахмедходжаев, А.Джураев, М.М.Жамалова, А.Я.Ямпольский, А.М.Григорьев, Х.Ж.Абдуғаффоров ва бошқа кўплаб олимлар пахта хом ашёсини дастлабки ишлаш технологик жараёнидаги пахта ва чигит, ва момиқларни ташишни назарий-фундаментал, амалий масалалари ва методологик асосларини яратишда салмоқли илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Бугунги кунда винтли конвейерлар ёрдамида пахта хом ашёлари (пахта, чигит, момиқ) ташиш технологияси етарлича тадқиқ этилган ва параметрлари асосланган. Лекин, ишлаб чиқаришдаги асосий технологик машиналарни мажбурий тўхтаб туришлари оқибатида иш унумдорлигини камайишига сабаб бўлувчи ва пахта хом ашёсини ташиш жараёнида содир бўладиган тикилишларнинг ҳосил бўлиши, ташиш билан бир вақтда момиқни тозалаш жараёнини амалга ошириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Шунинг учун ҳозирги вақтда винтли конвейерни юқори самарали конструкциясини ишлаб чиқиш натижасида ташилаётган момиқларни турли хил ифлосликлардан тозалаш самарасини ошириш, машина ресурсини кўпайтириш, шовқинни камайитириш, юқори сифатли момиқни олиш муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институти ИТД-9-03 «Пахтани дастлабки қайта ишлаш технологик машиналарининг юритгич механизмлари схемаларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш» (2012-2013 йй), ЁА-9-14 «Момиқ ажратиш технологияси ва машиналарнинг ишчи органларини конструкциясини такомиллаштириш» (2014-2015), ЁОТ-АТЕХ-2018-93 «Ўсимликлардан ёғ ишлаб чиқариш технологик машиналари юритмасидаги занжирли узатмалари ресурстежамкор конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини ҳисоблаш» (2018-2019) давлат бюджети асосида бажарилган ИТИ лари билан боғлиқдир.

**Тадқиқотнинг мақсади** момиқни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейернинг самарали конструкциясини ишлаб чиқиш, комплекс назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида параметрларини аниқлашдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

момиқни ташувчи ва тозаловчи конвейернинг винт сирти тўлқинсимон бўлган ва юритмада қайишқоқ элементли занжирли узатмали бўлган такомиллашган самарали конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

винтли конвейер машина агрегати динамика масаласини занжирли узатма параметрлари, электрюритгич механик хараakterистикаси, момиқни қаршилиқ моменти ва инерцион параметрларни инобатга олиб ечиш, винт ҳаракат қонунини аниқлаш;

қайишқоқ элементли занжирли узатма параметрларини назарий тадқиқотлар натижасида аниқлаш;

момиқни ташувчи ва тозаловчи конвейернинг тўлқинсимон юзали винт сиртида момиқни силжитиш кучини, ҳаракатланиш масофасини уни жойлашиш фазасига боғлиқлигини аниқлаш, параметрларини асослаш;

электротензометрик усулни қўллаб тажрибавий тадқиқотлар натижасида момиқни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейернинг винт валидаги ва етакловчи юлдузча валидаги бурчак тезликлари ва буровчи моментларнинг ўзгариш қонуниятларини турли иш унумларида аниқлаш;

винт юзаларидаги тўлқин амплитудаси ва қадамини буровчи момент ва айланиш частотасига таъсирини ўрганиш, занжирли узатма занжири таркибли ролигининг резинали втулкаси бикрлигини ҳаракат қонунига таъсирини ўрганиш, винт валидаги ва етакловчи юлдузча валидаги шовқинни ўлчаш;

тавсия қилинган тўлқинсимон сиртли винтли конвейерни тўлиқ омилли тажрибалар натижаларига кўра параметрларининг оптимал қийматларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Момиқни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейер, занжирли узатма ҳамда момиқни ташиш ва тозалаш технологик жараёнлари тадқиқотнинг объектини ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида винт сирти тўлқинсимон бўлган конвейер ва қайишқоқ элементли занжирли узатманинг конструктив ва ҳисоб схемалари, математик моделлар, уларни сонли ечимлари натижалари, олинган ҳаракат қонунлари, параметрларни боғланиш графиклари ва винтли конвейер параметрларининг тавсия қийматлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий математика, назарий ва амалий механика, тебранишлар назарияси, математик статистика ва эҳтимоллар назарияси, тажрибаларни режалаш ва оптималлаштириш, ўлчов, солиштириш, баҳолаш ва тензометрик ўлчаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

момикни винтли конвейер билан ташиш жараёни таҳлили ва унда юзалари тўлқинсимон шаклдаги винт ҳамда қайишқоқ элементли таркибли роликли занжирли узатмани қўллашга асосланган ташиш ва тозалаш жараёнининг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

винтли конвейер бир массали машина агрегати динамикасини ифодаловчи тенгламалар таҳлили натижаларини ҳисобга олган ҳолда электр юриткичнинг механик ва динамик характеристикаси, инерцион параметрлар ҳамда технологик ва ишқаланиш қаршиликлари ифодалари ишлаб чиқилган ва рационал қийматлари аниқланган;

уч массали машина агрегати динамикаси масаласи сонли ечимига асосан электр юриткич ротори, винтли конвейер валидаги айлантирувчи момент ва бурчак тезликларнинг ўзгариш қонуниятлари олинган;

занжир ролиги ўқининг тебранишлари қонуниятлари ва ҳаракат тенгламасини сонли ечими асосида тебраниш частотаси ва амплитудасининг жорий ва рационал қийматлари аниқланган;

тавсия қилинган узатма занжири қайишқоқ таянчли ўқининг ишлаш жараёнида вақт бирлиги ичидаги деформацияланишини ҳисобга олган ҳолда унинг ишлаш муддатини аниқлаш методи ишлаб чиқилган;

момик бўлагининг тўлқинсимон винт юзасидаги ҳаракати таҳлили асосида момикни тортиш кучини аниқлаш бўйича ҳисоб схемаси ва формуласи ишлаб чиқилган ҳамда қийматлари аниқланган;

режалаштирилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари асосида момикни ташувчи ва тозаловчи конвейерлардаги шовқиннинг ўзгариши қонуниятлари асосида шовқин кучини камайтириш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

момикни самарали ташувчи ва тозаловчи тўлқинсимон сиртли винти бўлган, занжирли узатмали конвейер конструкцияси ишлаб чиқилган;

конвейер винти валининг юкланиши, айланиш частотаси ва шовқин қиймати аниқланган;

тўлиқ омилли тажрибавий тадқиқотлар асосида момикни самарали ташийдиган, шовқинни камайтириб, ишлаш ресурсини оширадиган параметрлари ва ишлаш режимлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Момикни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейер самарадорлигини ошириш бўйича тўлқинсимон сиртли винтнинг параметрларини ҳаракат қонуни ва юкланишларини назарий ҳамда тажрибавий тадқиқотлар натижаларини ўзаро мослиги, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлиги, ўтказилган тажрибаларнинг ижобий натижалари ва уларни кўриб чиқаётган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Момиқни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейерлар конструкциясини такомиллаштирилган, винт сирти тўлқинсимон бўлган, узатиш механизмида қайишқоқ элементли таркибли роликли занжирли узатмаси бўлган самарали конструкцияси ишлаб чиқилди. Назарий изланишлар асосида ишчи органлар ҳаракат қонунлари аниқланди, параметрларнинг мақбул қийматлари асосланди. Момиқ ташувчи ва тозаловчи конвейернинг динамикаси таҳлил қилинди. Тажрибавий изланишлар асосида юкланиш ҳарактеристикалари олинди, ташиш ва тозалаш режимлари тавсия этилганлиги илмий салоҳиятни изоҳлайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти момиқни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейер тажриба нусхасини ишлаб чиқилганлиги, тўлиқ омилли тадқиқотлар асосида параметрлари асосланганлиги ва қиёсий натижаларига кўра самарадорлиги юқорилиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Момиқни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейерлар учун қайишқоқ элементли занжирли узатмани ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қайишқоқ элементли таркибли роликли занжирли узатма конструкциясига Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Цепная передача» № IAP 06200-2020г.). Натижада узатма деталларининг ишлаш муддатини ошириш ва ишлашидаги шовқинни сезиларли даражада пасайтириш имконияти яратилган;

момиқни ташувчи ва тозаловчи тўлқинсимон юзали винтли конвейер ҳамда узатиш механизмига ўрнатилган қайишқоқ элементли занжирли узатма “Ўзпахтасаноат” ОАЖ тизимидаги “Бўз пахта тозалаш” корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзпахтасаноат” ОАЖ нинг 2020 йил 30 июлдаги 03-18/2054-сонли маълумотномаси). Натижада момиқни ташишдаги ўртача тозалаш самарадорлиги момиқнинг навларига қараб 5,75% дан 10,54% га ортган, конвейер ресурси 25% га кўпайган, занжир ролиги емирилиши 3 мартага, шовқин 2,8 мартага камайган;

тўлқинсимон юзали винтли конвейер ва юриткичдаги қайишқоқ элементли занжирли узатма “Ўзпахтасаноат” ОАЖ тизимидаги “Хўжаобод пахта тозалаш” корхонасида жорий қилинган (“Ўзпахтасаноат” ОАЖ нинг 2020 йил 30 июлдаги 03-18/2054-сонли маълумотномаси). Натижада момиқни ташишдаги ўртача тозалаш самарадорлиги момиқнинг навларига қараб 5,54% дан 10,63% га ошган, конвейер ресурси 23% га кўпайган, занжир ролиги емирилиши 3 мартага, шовқин 2,7 мартага камайган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та илмий конференцияларда, шу жумладан 9 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация бўйича 30 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та ихтирога патенти олинган, 1 та монография, scopus базасига кирувчи илмий журналларда 1 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан нашрга

тавсия этилган илмий журналларда 10 та илмий мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бўлим, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Технологик машиналарда винтли конвейерлар конструкцияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби пахта тозалаш корхоналаридаги винтли конвейерларнинг ҳозирги ҳолати, амалга оширилган илмий тадқиқот ишлар, момиқни ифлосликлардан тозалаш жараёнига винтли конвейерларни қўллаш, узатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича Республикамизда фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш саноати ва чет эл техника ва технологиясини таҳлиliga бағишланган.

Бугунги кунда винтли конвейерлар ёрдамида пахта хом ашёлари (пахта, чигит, момиқ) ташиш ишчи жараёни тадқиқ этилган ва асосланган. Бундан ташқари ишлаб чиқаришдаги асосий технологик машиналарни мажбурий тўхтаб туришлари оқибатида иш унумдорлигини камайишига сабаб бўлувчи, ҳамда пахта момиғини ташиш жараёнида содир бўладиган тикилишларни ҳосил бўлиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.




1-расм. Тавсия қилинган винтли конвейер схемаси.

бу ерда 1-тарнов, 2-тарнов қопқоғи, 3-винт вали, 4,7-маҳсулот кириб чиқадиган жой, 5,6-тўлқинсимон шаклдаги винт ўрами, 8-сетка.

Момикни ташувчи ва тозаловчи винтли конвейернинг самарали конструкцияси тавсия қилинди (1-расм). Конвейернинг тарнови 1 нинг пастки ишчи қисми 8 сетка шаклида қилинган. Корпус 1 ичида 3 валга тўлқинсимон сиртли винт 5 ўрнатилган. Тозаланган момиқ 7 тирқиш орқали чиқиб кетади. Винт парраги 5 тўлқинсимон шаклда тайёрланган бўлиб, ташилиб тозаланаётган момиқни аралаштириб, титилишини ошради, чиқиндилар ажралиб 8 сеткадаги қобик тирқишларидан чиқиб кетиши интенсивлашади.

Тавсия қилинган винтли конвейер ишлаш ресурсини оширадиган, шовқинни камайтирадиган занжирли узатма конструкцияси ишлаб чиқилди, унинг схемаси 2-расмда келтирилган.




2-расм. Қайишқоқ элементли занжири бўлган узатма схемаси.

Занжирли узатма қуйидаги тартибда ишлайди: Айланма ҳаракат етакчи юлдузча 1дан етакланувчи юлдузча 2 га занжир 3 орқали узатилади. Етакчи 1 ва етакланувчи юлдузча 2 лар таркибли ролик 9 билан таъсирлашганда қайишқоқ элемент 12 нинг деформацияланиши ҳисобига втулка 10 ва етакчи 1 ва етакланувчи юлдузча 2 ларнинг едирилиши камаяди. Бундан ташқари втулка 8 ва валик 7 лар ўртасидаги ишқаланиш кучларининг миқдори ҳам камаяди. Бу эса занжирли узатма ишлаш муддатини ортиши ва текис ишлашини таъминлайди.

Диссертациянинг “**Тавсия қилинган момикни тозаловчи винтли конвейер конструктив параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари**” деб номланган иккинчи бобида момик ташувчи ва тозаловчи винтли конвейернинг винт парраги тўлқинсимон қилиб тайёрланган бўлиб, ташилиб тозаланаётган момикни аралаштириб, титилишини оширади, чиқиндилар ажралиб сеткадаги қобиқ тирқишларидан чиқиб кетиши интенсивлашади. Шовқинни камайтириш, тозалаш режимини етарли даражада созлаш ва самарадорлигини таъминлаш учун винт валига ҳаракат занжирли узатма орқали узатиш таклиф этилди. Бунда қўлланиладиган занжирли узатма конструкциясида қайишқоқ элементлар қўлланилди.

Винтли конвейер ҳисоб схемаси уч массали система кўринишида қабул қилинган: 1-масса двигатель ротори, занжирли узатма етакловчи юлдузчадан иборат; 2-масса етакланувчи юлдузча ва редуктор тишли ғилдираклари келтирилган массаларидан, шунингдек муфта етакловчи қисмидан иборат; 3-етакланувчи қисми муфта ва винтли вални ўз ичига олади. Ҳисоб схемаси 3-расмда берилган.




3-расм. Пахта момигини ташиш ва тозалаш учун винтли конвейер узатма механизмли машина агрегатининг ҳисоб схемаси.

Винтли конвейер элементлари ҳаракатини тавсифловчи дифференциал тенгламалар системаси кўйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned}
 M_{\delta} &= f(\dot{\varphi}_{\delta}); \quad J_{\delta} \ddot{\varphi}_{\delta} = M_{\delta} - \epsilon_p \Delta \dot{\varphi}_{\delta p} - C_p \Delta \varphi_{\delta p}; \\
 J_{np} \ddot{\varphi}_{ped} &= u_{\delta p} (\epsilon_p \Delta \dot{\varphi}_{\delta p} + c_p \Delta \varphi_{\delta p}) - \epsilon_m \Delta \dot{\varphi}_{mv} - c_m \Delta \varphi_{mv} - M_{mp}; \\
 J_{nv} \ddot{\varphi}_v &= u_{pv} (\epsilon_m \Delta \dot{\varphi}_{mv} + c_m \Delta \varphi_{mv}) - M_{mv} - M_c; \\
 \Delta \varphi_{\delta p} &= \varphi_{\delta} - \varphi_{ped} u_{\delta p}; \quad \Delta \varphi_{mv} = \varphi_{ped} - u_{pv} \varphi_v; \quad M_c = M_1 + M_0 \sin \omega_c t \pm \delta M_1
 \end{aligned}
 \tag{1}$$

бу ерда,  $J_{\delta}$ ,  $J_{np}$ ,  $J_{kv}$  - мос равишда двигатель валида, редуктор кириш валида, винт валидаги келтирилган инерция моментлари;  $c_p$ ,  $c_m$ ,  $b_p$ ,  $b_m$  - занжирли узатма ва муфта айланма бикрликлар коэффициентлари ва диссипация коэффициентлари;  $M_1$ ,  $M_0$ ,  $\delta M_1$  - ташиладиган ва тозаланадиган пахта момиғидан технологик юклама ташкил қилувчилари;  $M_{mv}$  - винт валидаги ишқаланиш кучлари momenti;  $M_{\delta}$  - двигательнинг ҳаракатлантувчи momenti;  $\dot{\varphi}_{\delta}$  - двигатель ротори бурчак тезлиги;  $p$  - кутб жуфтликлари сони;  $S, S_k$  - ротор сирпаниши ва унинг критик қиймати;  $T_s$  - вақт электромагнит доимийси;  $\psi$  - ёрдамчи ўзгарувчи;  $\omega_c$  - тармоқ айланма частотаси;  $c, b$  - айланма бикрлик коэффициентлари ва диссипация коэффициентлари.

Дифференциал тенгламалар системасини (2) ечиш асосида кўйидаги дастлабки шартларда,  $t=0$ ;  $\dot{\varphi}_g=0$ ;  $\dot{\varphi}_{ped}=0$ ;  $\dot{\varphi}_v=0$ ;  $M_g=0$ ;  $M_c=0$  асинхрон двигатель ротори, винтли конвейер, шунингдек, двигатель валидаги айлантувчи момент, бурчак тезликларининг ўзгариши қонуниятлари олинди.  $M_g, \dot{\varphi}_g$  и  $\dot{\varphi}_v$  ўзгариши олинган қонуниятлари 4-расмда келтирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ташиладиган ва тозаланадиган момиқ юкламасининг  $M_1 = (45 \div 65)$  Нм чегарасида ошишида двигатель роторининг бурчак тезлиги деярли ўзгармас қолади, унинг пасайиши жуда кичик. Ундан ташқари, двигатель роторининг бурчак тезлиги тебранишлари қамрови ҳам жуда кичик чегараларда ўзгаради.



$$M_c = 65 \text{ Нм} + 8,5 \sin \omega t \pm \delta M, \text{ да}$$


4-расм. Двигатель ротори, винтли конвейер, шунингдек, двигатель валидаги айлантувчи momenti ва бурчак тезликларининг ўзгариши қонуниятлари.

Бирок, зигзагсимон профилли тўлқинсимон винт бурчак тезлигининг пасайиши сезиларли бўлади. Бунда  $M_1 = 45 \text{ Нм}$  бўлганида  $\dot{\phi}_e$   $27,2 \text{ с}^{-1}$  гача пасаяди,  $65 \text{ Нм}$  юкламада эса,  $\dot{\phi}_e$   $25,9 \text{ с}^{-1}$  гача пасаяди. Бунда тебранишлар қамрови  $\Delta\dot{\phi}_e$   $(1,2 \div 1,4) \text{ с}^{-1}$  дан  $(3,0 \div 3,8) \text{ с}^{-1}$  гача ошади. Тебранишлар қамрови  $\Delta\dot{\phi}_e$  ошиши момикнинг кўшимча титилиши ҳисобидан уни ташиш ва тозалаш самарасига ижобий таъсир кўрсатади. Қаршилик моментининг  $125 \text{ Нм}$  гача ва ишқаланиш кучининг  $35,0 \text{ Нм}$  гача ошишида  $J_\partial / J_{\partial p} = 0,85$  да двигатель бурчак тезлиги  $63,1 \text{ с}^{-1}$  гача пасаяди,  $J_\partial / J_{\partial p}$  нинг  $1,15$  гача ошишида эса ротор бурчак тезлиги  $60,3 \text{ с}^{-1}$  гача пасаяди.


Таъриба маълумотларини ҳисобга олган ҳолда,  $\Delta\dot{\phi}_e = (2,0 \div 2,5) \text{ с}^{-1}$  таъминланиши учун тавсия қилинадиган қийматлар қуйидагилар  $J_e / J_{\partial p} = (0,6 \div 0,8)$  ҳисобланади.

Назарий тадқиқотлар натижалари, машина агрегати динамика масаласини сонли ечими, ҳаракат қонунлари, тавсия параметрлари, тавсия қилинган занжирли узатманинг асосланган параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар кўриб чиқилган.

Винтли конвейер занжирли узатмаси ва муфтаси параметрларини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Олинган боғлиқликлар 5-расмда келтирилган. Занжир ва муфта нисбий айланма бикрликларининг  $0,60$  дан  $1,2$  гача оширилиши  $M_c = 45 \text{ Нм}$  да  $\dot{\phi}_o$  нинг  $73 \text{ с}^{-1}$  дан  $64,8 \text{ с}^{-1}$  гача пасайишига олиб келади. Бунда  $\dot{\phi}_e$   $23,7 \text{ с}^{-1}$  гача пасаяди. Таъкидлаш лозимки,  $c/c_p$  оширилиши бурчак тезликларининг тенглашишига олиб келади. Шунинг учун тавсия қилинган қийматлар  $c/c_p = (0,75 \div 0,85)$  бўлиб, улар зигзагсимон (тўлқинсимон) профилли винтнинг айланишидаги талаб қилинган нотекислигини таъминлайди.



5-расм. Пахта момигини ташиш ва тозалаш машинаси узатмасида конвейер винти ва двигатель роторидаги бурчак тезликларининг қайишқоқ узатмалар (занжирли) нисбий айланма бикрликлари ўзгаришига боғлиқлик графиклари



6-расм. Конвейер винти бурчак тезлиги тебраниш қамровининг ва юкламанинг муфта қайишқоқ элементини диссипацияси нисбий қийматларига боғлиқлик графиклари.

Олинган графиклар тахлили шуни кўрсатдики,  $b/b_p$  нинг 0,62 дан 2,1 гача ортишида  $M_C = 55$  Нм ва  $M_{TP} = 35$  Нм да конвейер валида юклама 84,1 Нм дан 118,3 Нм гача ортади. Технологик юклама оширилиши билан конвейер валидаги момент (142÷145) Нм гача ортади. Бу система истеъмол қувватининг ортишига олиб келади. Бунда  $M_C = 55$  Нм да  $\Delta\dot{\phi}_g$  сезиларли даражада,  $2,7 \text{ с}^{-1}$  дан  $1,4 \text{ с}^{-1}$  гача пасаяди. Бу номақбулдир, чунки  $\Delta\dot{\phi}_g$  пасайиши пахта момигини тозалаш самарасини пасайтиради. Шу сабабли тавсия қилинадиган қийматлар  $b/b_p = (0,6 \div 0,65)$  ҳисобланади.

Занжирни қайишқоқ таянч ўқининг хусусий тебранишларини аниқлаш ифодаси олинди:

$$\rho_k = \frac{0,25a\sqrt{c_1c_2/\mu}}{\sqrt{m(2\pi\alpha\sqrt{c_2/\mu} + 1,85\sqrt{c_1})}} \quad (2)$$

бу ерда,  $\mu$  - занжир таркибий ролиги резина таянчи қайишқоқлик характеристикасининг ночизиклигини инобатга олувчи коэффицент;  $a$  ва  $n$  - доимийлар;  $a$  - узатма занжири ролиги резина втулкасининг деформациясининг максимал қиймати;  $m$  - ролик массаси;  $c_1$  - ролик қайишқоқ таянчи бикрлик коэффицентининг чизикли ташкил қилувчиси;  $c_2$  - бикрлик коэффицентининг ночизикли ташкил қилувчиси;

Хусусий тебранишлар амплитудаси қайишқоқ таянч деформациялари катталигига, яъни унинг бикрлик характеристикасига боғлиқ бўлади.

Бикрлик коэффицентини ҳисоблашда  $c_1$  ва  $c_2$  лар занжирнинг битта ролиги резинали втулкаси учун келтирилган. Бикрлик коэффицентини  $c_2 = 0,04 \text{ Н/мм}$  қилиб олинганда  $c_2$  нинг қийматлари  $0,2 \text{ Н/мм}$  дан  $0,8 \text{ Н/мм}$  гача оширилганда нисбий частота қийматлари деярли икки марта,  $\rho_k/\rho_n = 1,12$  дан 2.21 гача ортади, лекин  $c_2$  қийматининг  $0,02 \text{ Н/мм}$  гача камайишида ролик тебранишлари хусусий частотасининг ортиши интенсивлиги камаяди.

Қайишқоқ втулка бикрлигини ночизикли  $c_2$  ни доимий қийматида  $c_1$  қийматининг  $0,2 \text{ Н/мм}$  дан  $0,8 \text{ Н/мм}$  гача ортиши  $\rho_k/\rho_n$  қийматининг ҳам икки марта  $0,55$  дан  $1,15$  гача кўпайишига олиб келади. Бу шуни билдирадики, занжир таркибий ролиги хусусий тебранишлари частотаси қийматлари чегарасини ошириш учун қайишқоқ таянч бикрлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўриб чиқилган тебранувчи система учун  $m_k = 0,15 \div 0,2 \text{ кг}$ . да  $c_2 = 0,03 \div 0,05 \text{ Н/мм}$ ,  $c_1 = 0,5 \div 0,8 \text{ Н/мм}$ , қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тавсия қилинган узатмада занжир системасидаги ролик ташқи ва ички пластинкаларига қайишқоқ таянч орқали ўрнатилди. Ушбу конструкцияда ролик учлари, резинали таянч призматик шаклда қилиб бажарилган. Занжир ролигини тебранишларини асосан вертикал йўналишда кўриб чиқдик.

Қайишқоқ втулка бикрлиги (6÷7) Н/мм гача ошиши билан амплитуда  $1,4 \text{ мм}$  дан  $0,31 \text{ мм}$  гача пасаяди. Бунда занжир ўқи массасининг (0,1-0,2) кг чегарасида бўлиши амплитуда қийматига кам таъсир қилади. Тезлик  $V_y$  ошиши билан амплитуда  $0,6 \text{ мм}$  дан  $1,2 \text{ мм}$  гача ортади. Бикрлик

коэффициенти ортиши билан ҳам қайишқоқ втулка сиқилиш кучи ҳам ортади. Занжир ҳаракати тезлигининг 0,8 дан 4,2 м/с гача оширилиши сиқилиш кучининг 3,0 Н гача ортишига олиб келади. Тадқиқотлар натижалари асосида системанинг керакли параметрларини танлаш имконияти мавжуд бўлади.

Тавсия қилинган қайишқоқ втулкали роликлари бўлган занжирлар кўлланилганда, узатма, айниқса занжирни ишлаш муддати ортади. Буни биз кўшимча коэффициент киритиш орқали ҳисоблашни тавсия қиламиз. Таранглаш роликли таркибли етакловчи юлдузчали ҳамда қайишқоқ втулкали занжири бўлган занжирли узатма учун занжирни максимал ишлаш муддатини ҳисоблаш формуласи қуйидаги кўринишда тавсия этилди.

$$C'_1 = 4350 \frac{\Delta t K_T \cdot K_3 \cdot K_k \cdot U_m \cdot K_c}{K_v} \sqrt[3]{\frac{z_1^{1,5} U_{12} \left( \frac{t_3 n'_3}{\cos \alpha_e} - \delta_A \right)}{r_2 (\omega_2 - \Delta \omega_2) \cos \alpha_2}} \quad (3)$$

бу ерда,  $K_T$ -занжирни етакланувчи тармоқ таранглигини белгиловчи коэффициент,  $K_k$ -етақланувчи юлдузча қайишқоқ элементи бикрлигини белгиловчи коэффициент,  $t_3$ -занжир қадами,  $n'_3$ -занжирни етакланувчи тармоғидаги бўғинлар сони,  $\Delta$ -бўғин қадамини чўзилиш коэффициенти,  $K_3$ -қайишқоқ втулкали занжирни иш ресурси коэффициенти.

Таклиф этилган занжирли узатманинг занжирини максимал ишлаш муддати параметрларининг белгиланган ва ҳисоб қийматларига асосан оддий занжирли узатмага нисбати 14,5 ÷ 20,3% кўпроқ эканлигини кўрсатди.

Занжирнинг ишлаш муддатига асосан таранглаш ролигини мавжудлиги, етакланувчи юлдузчадаги қайишқоқ элемент, яъни юкланишни амортизация қилиниши, узатмани мойлаш, ташқи куч характери ва узатма геометрик параметрлари таъсири муҳим ҳисобланади. Натижаларга асосан занжирнинг ишлаш муддати  $10,55 \cdot 10^3$  соатдан  $15,32 \cdot 10^3$  соатгача кўпайтириш имкони оширилади.

Тўлқинсимон винтли конвейерда момикни тортиш кучини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Момик бўлагига оғирлик кучи ( $\vec{G}$ ), реакция кучи ( $\vec{N}$ ), сурувчи куч ( $\vec{P}$ ), ва момик билан тўлқинсимон юза орасидаги ишқаланиш кучи ( $\vec{F}_u$ ) таъсир қилади. Уларни мувозанат шарти қуйидаги ифода орқали белгиланади:

$$\vec{G} + \vec{F}_u + \vec{N} + \vec{P} = 0 \quad (4)$$

Амоктан-Кулон қонунига асосан  $\vec{F} = f N$  инобатга олиб, момикни силжитиш кучини ҳисоблаш ифодаси олинди:

$$\vec{P} = \frac{m_M g (\sin \alpha + f \cos \alpha) - K_u F_u \sin \beta}{\cos \alpha - f \sin \alpha} \quad (5)$$


бу ерда,  $m_M$  – момик бўлаги массаси;  $g$  – эркин тушиш тезланиши;  $\alpha$  – винтни кўтарилиш бурчаги;  $\beta$  – момик бўлагини тўлқинсимон сиртда жойлашишини белгиловчи бурчак;  $f$  – момик бўлаги ва тўлқинсимон юза




орасидаги ишқаланиш коэффициентини;  $F_u$  – ишқаланиш кучи;  $K_u = (1 - f^2) f^{-1}$  – ишқаланиш коэффициентининг даражасини ифодаловчи ўзгармас сон.

Ушбу ифодада ишқаланиш кучи нафақат ишқаланиш коэффициентига, балки момикни тўлқинсимон юзада жойлаштириш фазаси, яъни  $\beta$  га боғлиқ. Қия тўлқинсимон юзада момикнинг ўртача бўлаги массасини  $(1,0 \div 3,0) \cdot 10^{-3}$  кг оралиғида олсак, ҳамда ишқаланиш коэффициентини  $(0,22 \div 0,4)$  оралиғида олсак, ишқаланиш кучининг ўртача қийматини момик бўлаги массаси  $(0,5 \div 2,0) \cdot 10^{-3}$  ни ва  $f = 0,25 \div 0,45$  бўлганда  $(0,13 \div 0,9) 10^{-2}$  Н оралиғида бўлади. Винтли конвейер шу унумдорлиги  $(350 \div 380)$  кг/с бўлса, бир вақтнинг ўзида конвейерда  $(2,5 \div 3,5)$  кг момик бўлади. Шунинг учун ўртача ишқаланиш кучи  $(7,5 \div 10,5)$  Н ни ташкил этади. Момикни жойлаштириш фазаси  $0,15 \text{ рад}$  дан  $0,9 \text{ рад}$  гача ортганида ва  $f = 0,3$  қийматида момикни силжитиш кучи 1,54 Н дан 3,35 Н гача камаяди (7-расм). Ишқаланиш коэффициенти 0,4 гача ортса момикни силжитиш учун ҳам ортади ва унинг камайиш қонуниятлари 2,37 Н дан 0,81 Н оралиғида бўлади. Бунда момикнинг жойлаштириш фазасининг тавсия қиймати  $(0,5 \div 0,65) \text{ рад}$  оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Тавсия қилинган тўлқинсимон сиртда момикни ҳаракатланиш йўли ортади, бу эса ўз навбатида момикни титилишини ва тозалаш самарасини орттиради. 8-расмда момикни тўлқинсимон сирт бўйлаб ҳаракатланиш масофасини ўқи жойлаштириш фазасига боғлиқлик графиклари келтирилган. Бунда ушбу масофани ортишига тўлқинлар баландлиги, яъни эгрилик радиуси қийматини ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Момик бўлагини тўлқинсимон сиртда жойлаштириш фазаси  $0,15 \text{ рад}$  дан  $0,9 \text{ рад}$  га ортганида ва тўлқин эгрилиги радиуси  $2,5 \cdot 10^{-3}$  м бўлганда момикни силжиш масофаси  $0,8 \cdot 10^{-3}$  м дан  $4,37 \cdot 10^{-3}$  м гача ортади. Лекин тўлқин эгрилик радиуси  $1,0 \cdot 10^{-2}$  м гача ортганида момикнинг силжиш масофаси  $2,1 \cdot 10^{-3}$  м дан  $12,2 \cdot 10^{-3}$  м гача кўпаяди.



7-расм. Момикни тозалаш – ташиш конвейерининг тўлқинсимон юзали винтида момикни силжитиш кучини момикни жойлаштириш фазасига боғлиқлик графиклари келтирилган.




8-расм. Тўлқинсимон юзали винтли конвейерда момик силжишини уни жойлаштириш фазасига боғлиқлик графиклари.

Бунинг сабаби шуки, тўлқин радиусини ортиши, эгрилик сирти узунлигини орттиради, шунингдек,  $\beta$  қиймати ортиши тўлқин қадамини шундай туришидандир. Шунинг учун тозалаш самарасини ортиши учун  $\alpha$  ни кўпайтириш, яъни  $\beta$  ва  $R$  нинг қийматларини қуйидаги қийматларини тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир:  $\beta = (0,5 \div 0,65) \text{ рад}$ ;  $R = (0,8 \div 1,2) \cdot 10^{-2} \text{ м}$ .


